ПАХТА ТЕРИМИ ЯҚИН

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 167 (3649). | Жума, 25 август 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

● *Ўртоқ пахтакор, меҳрингиз билан етиштирган хосилингиз тарозига тушадиган пайт яқинлашмоқда.*

● Зарбдор кунларга—пахта теримига ҳамма нарсани тахт қилиб қўяйлик.

● „ЗАНГОРИ КЕМА“ КАПИТАНЛАРИ ПАХТАМИЗ УЧУН УЛКАН КУРАШГА ТАЙЁРМИСИЗ!



МЕҲНАТ завқ-шавқига тўлган, юбилей йилида далаларда ўзлари етиштирган мўл ҳосил баракасидан бехад хушнуд мана бу кишилар — механизатор-звено бошлиқлари Собир Ҳайдаров, (чапдан) Абдували Тўйчиев, Нажмиддин Шамсиддинов, Сетя Сейтўсмоновлар Бекобод районидаги 1-«Дал варзин» совхозида меҳнат қилишади. Уларнинг ҳар бири бу йилги мавсумда ўз агрегатлари бункеридан 85—90 тоннадан «оқ олтин» тўкишга аҳд қилган.

А. Абалян фотоси.

ГВАРДИЯЧИЛАР ШАЙ

Уфқларга туташиб кетган яшил пахтазорларда ўзгача файз ва чирой. Эрта баҳордан бошлаб ҳалол пешона тери тўккан миришкор деҳқон даласида меҳнат меваси яққол кўзга ташланмоқда. Серҳиммат пахтакор меҳрига қонган бўлиқ ғўза тупларида шовул-шовул кўсак. Тиш ёрган дастлабки «оқ олтин» чаноқлари барглар орасидан нафис гул каби кулиб боқади.

Терим яқин. Ҳа демай, яшил пайкаллар оппоқ тусга киради. Далалар узра самолётлар парвоз қилади. Пайкаллар тепасида жанговар саф тортиб турган қудратли терим агрегатлари ишга тушиб кетади. «Зангори кема»лар бункерига юбилей йили мўл хосили ёғила бошлайди...

Совет ҳокимиятининг шонли 50 йиллиги тўйини ажойиб зафарлар билан қарши олишга қатъий бел боғлаган Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг азамат пахтакорлари, забардаст «зангори кема» капитанлари ана шу қувончли кунни сабрсизлик билан кутишяпти. Далаларда тўпланган баракали ҳосилга шу кеча-кундузда янада барака қўшаётган, меҳнатда шижоат кўрсатаётган миришкорлар терим мавсумига тўла шай бўлиб турибди. Республикамизнинг илғор механик-ҳайдовчилари Мурожаати асосида иш кўраётган сергайрат механизаторлар ҳозиргача мавжуд барча терим агрегатларини мавсумга тахт қилиб қўйдилар.

Хўжаликда бу йил 4150 гектар майдонда «оқ олтин» етиштирилмоқда. Шундан 3200 гектар майдондаги ғўза фақат машина теримига мослаб парвариш қилинаётир. Совхоз деҳқонлари бу йил давлатга гектар бошига 25,2 центнердан, жами 10600 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишган. Ҳозир хўжалик далаларида ана шу юксак мажбуриятга яраша ҳосил бор.

Терим мавсумида совхоз далаларида 117 та «зангори кема» жавлон уради. Азамат механизаторлар ана шу агрегатлар бункеридан эл хирмонига 7200 тонна пахта тўкадилар. Бу хўжалик бўйича олинадиган ялпи ҳосилнинг 70 процентини ташкил этади.

— Республика илғор механик-хайдовчилари Мурожаатидан руҳланган механизаторларимиз, — дейди совхоз директори ўртоқ М. Чолаков, — терим мавсумига алоҳида ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу борадаги далачилик ишлари қизиб юборилди. Биринчи сентябрдан бошлаб ғўза баргини тўкишга киришамиз. Ҳозир тегишли ерларда етарли миқдорда дефолиантлар жамғариб қўйилди. Сигналчилар ўқитилди ва уларнинг ўринлари белгилаб чиқилди.

Совхоз бўлимларидаги кўпдан-кўп механизатор-звено бошлиқлари ғўза парваришини суситирмаган ҳолда пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Механизатор-звено бошлиқлари ўз агрегатларини терим мавсумига тахт қилиб қўйишган. Улар ўз звеноларида етиштирилган ҳосилнинг 80—85 процентини машинада териб бериш мажбуриятини олишган. Жумладан, илғор механизаторлардан Нажмиддин Шамсиддинов, Собир Ҳайдаров, Абдували Тўйчиев ўртоқлар бу йилги мавсумда ўз агрегатлари бункеридан камида 80—100 тонна «оқ олтин» дурдонаси тўкишмоқчи.

Ҳа, бу олиҳиммат дала гвардиячилари албатта ўз сўзларининг устидан чиқишади ва катта тўйга муносиб тўёна олиб боришади.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

МОСКВА ТАБАССУМИ

МОСКВА! Гўзал ва салобатли жаранглайди бу бир калима сўз. Москва — абадий дўстлик тимсоли, илҳом ва ишонч, ғайрат ва шижоат манбаи, улкан ғалабаларимиз рамзи бўлиб қолган бу шаҳри азим!

Худди шу ердан, муқаддас Москвадан ҳаётимизни мунаввар қилган Ленин ғоялари қолоқ ўлкалар бўйлаб тарқалган эди. Пўлатдек мустаҳкам, тоғлардек буюк дўстлигимиз замини мана шу ерда. Ҳар биримизнинг фарзандлик меҳри-муҳаббатимиз сенга талпинади, жонажон пойтахт!

Москва билан қайта учрашув учун тараддуд кўрилаётган пайтда ҳар бир ўзбекистоплик ана шундай ажиб ҳис-туйғуларга тўлиб-тошди. Санъат аҳли учун масъулиятли бўлган кун етиб келди. 30 июлда пойтахтнинг Қозон вокзалида Ўзбекистондан келган 400 га яқин таниқли маданият арбоблари, санъат ва фан ходимлари, қишлоқ хўжалиги ва саноат илғорлари, энг яхши концерт ва музика коллективлари самимият билан кутиб олинди.

Эртаси куни Ўзбекистон ССР делегацияси аъзолари В. И. Ленин Мавзолейига, Номаълум солдат қабрига, Горький ва Маяковский ҳайкаллари ёнига гулчамбарлар қўйдилар. Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советида Москва шаҳар партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари билан қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди.

1 август куни Кремлнинг Съездлар саройида ўзбекистоплик санъат усталари ижросида биринчи катта концерт кўрсатилди. Москвада Ўзбекистон ССР маданияти ва санъати Кунлари ана шу концерт билан бошланди. Бу концертда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, КПСС Москва шаҳар комитети ва Моссовет раҳбарлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этдилар. Шундан кейин етти кун давомида Бутуниттифоқ оғир машинасозлик илмий-текшириш институтининг олимлари, камлитражли автомобиль заводи мутахассислари, 1-давлат подшипник заводи ишчилари, СССР Госплани хизматчилари, Москва ҳарбий округи жангчилари билан қизғин, унутилмас учрашувлар бўлиб ўтди. Бу учрашувлар СССР халқлари монолит ва мустаҳкам дўстлигининг яна бир ёркин намойишига айланди. Бу учрашувлар КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанасини, партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати атрофига қардош халқларнинг янада мустаҳкам жипслашаётганлигини кўрсатди.

Биринчи кунларданоқ Москвадаги учрашувларга республикамиз санъат усталари ва кинематографчиларининг жиддий тайёргарлик кўрганлиги яққол сезилди. Улар санъатининг нақадар бойлиги, серқирралиги таҳсин ва олқишларга сазовор бўлди. «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Совет ҳокимияти йилларида» деган мавзуда олимларимиз томонидан заводларда ва комбинатларда, илмий муассасаларда ва ҳарбий қисмларда, СССР халқ хўжалик ютуқлари виставкасида ўқилган лекциялар катта таассуротлар қолдирди. Эришилган катта ютуқларимиз ҳақида марказий матбуот, радио ва телевидение, Москва шаҳар газеталари самимий ҳикоя қилиб бордилар. Улар Ўзбекистон ССР маданияти ва санъати кунларини жуда ҳам кенг миқёсда ёритдилар. Тошкент телестудияси томонидан тайёрланган ва марказий телевидение ва интервидение томонидан ташкил этилган «Огонёк»нинг махсус эшиттиришини кўрган ҳар бир киши Ўзбекистон экономикасининг ривожи ва маданиятининг ўсиши ҳақида қизиқарли маълумотлар олди.

Ўзбек артистлари ва ёзувчилари, олимлари ва меҳнат кишилари москвaликлар олдида бир неча бор ҳисоботлар берганлар. Бир неча бор пойтахтда Ўзбекистон ўз ютуқларини намойиш қилган. Бундай учрашувлар аллақачоноқ ажойиб ва гўзал традицияга, ҳаётимиз нормасига айланиб қолмоқда. Бундай учрашувларсиз эришилган ғалабалар нашъаси тўлиқ бўлмаган бўлур эди.

Юқори дидли пойтахт томошабинлари олдида номойиш қилинган кинофильмларимиз, спектакларимиз уларнинг дидига мос тушди. Р. Ҳамроевнинг «Зулматдан зиё» ва Мухтор Ашрафийнинг «Шоир қалби» опералари, Арам Хачатурянниинг «Спартак» ва Леонид Фейгининг «Қирқ қиз» балети олқишларга сазовор бўлди. «Баҳор» ансамблининг шўх рақслари, эстрада артистларимизнинг дилрабо қўшиқлари, Р. Глиэр номидаги мактаб-интернат талабаларининг хореографик ўйинлари томошабинлар дилида ўчмас излар қолдирди.

... Москва учрашувлари унутилмас ва самимий бўлди. Хайрлашув дақиқалари ҳам ёддан чиқмайди. Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР маданияти ва санъати кунлари социалистик маданиятимизни янада юқори босқичларга кўтариш учун ҳизмат қилади.

ҲИММАТ

153-қурилиш трести бунёдкорларининг кучи билан 10 ва 26-кварталларда 8 та бино тикланди. 1-пардозлаш трести коллективи ана шу иморатларнинг ҳусн-жамолини очишда зўр ҳиммат кўрсатиб ишламоқда. Бунда М. Иванова бошқараётган пардозчилар бригадаси пешқадамлик қилаётир. Хоналарга сайқал беришда айниқса Рая Дмитриева, Надя Андреева, Азиза Зокирова кабилар ўз санъатларини намойиш этмоқдалар. Улар бажарган иш доимо аъло баҳога сазовор бўлмоқда. Шунингдек, мавжуд объектларни коммуникациялаш ишларида «Газсантехмонтаж» трестининг ўртоқ Д. Содиқов раҳбарлик қилаётган бригадаси аъзолари ҳам намуна кўрсатишмоқда.

Т. НАЖМИЙ.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ЯНГИ ҲОСИЛ МАҲСУЛОТИ

Ўзбекистоннинг каноп заводлари янги ҳосилни қайта ишлашга киришдилар.

Янги мавсумда республикадаги ўн битта корхонанинг ҳаммаси янги машина-ускуналар — «СЛГ—220» маркали қуритиш машиналари ва «АЛВ» маркали ювиш агрегатлари билан қуроллантирилади. Ана шу агрегатларнинг дастлабки туркумини Тошкент область луб тайёрлаш трестининг эксперимент тажриба заводи тайёрлаб берди.

Янги техника меҳнат унумдорлигини оширади, маҳсулот ажратиб олишни икки процент кўпайтиради, икки миллион сўмликдан ортиқ наф бера олади.

Новая жизнь, Солдатское, Қўрғонча заводларида ва бошқа корхоналарда қисқа толани қуритиш агрегати монтаж қилина бошланди.

Шу агрегатлар ишга туширилгач, корхоналар лубни далага ёйиб қуритишдан воз кечадилар, натижада қисқа толанинг нобуд бўлишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон канопни қайта ишлаш заводларини янги техника билан қуроллантириш натижасида уларнинг қуввати 10 процент ошади. (ЎзТАГ).


ЎН МИНГИНЧИ ЭКСКАВАТОР

Йиғув цехи дарвозаси олдида ҳозиргина конвейердан тушган экскаватор турибди. Унинг ён томонлари қизил рангга бўялган. Бу ишчиларнинг юбилей совғаси—ўн мингинчи экскаватор.

Корхона биринчи экскаваторни бундан 22 йил муқаддам ишлаб чиқарган эди. Ўшанда цехлар тор ва қоронғи эди. Техника қуввати ҳам паст, кўпгина операциялар қўлда тайёрланарди. Йиллар ўтиши билан корхона қувватига қувват қўшила борди. Янги цехлар қад кўтарди, замонавий кранлар ва йиғув агрегатлари ўрнатилди. Меҳнат унумдорлиги ҳам йил сайин ошиб борди. Эндиликда коллектив ҳар йили мингтадан кўпроқ экскаватор ишлаб чиқариб қурилишларга, кон, ирригация системаларига етказиб бераяпти.

Ўн мингинчи экскаватор ишлаб чиқарилган кун ишчиларнинг бир умр ёдидан чиқмайди. Бу агрегат гоятда тез суръатлар билан йиғилди. Юбилей экскаваторини йиғишда ва монтаж қилишда Маниёз Гогов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари айниқса зўр ғайрат кўрсатишди. Улар смена давомида машинанинг асосий бошқариш узелини йиғиб улгурдилар. Слесарь Павел Формаков ва Владимир Романов ўртоқлар монтаж ишларини моҳирлик билан бажардилар. Сўнг рулга синовчи машинист, завод ветерани Андрей Козлов ўтирди. У барча қисмларни гоятда синчковлик билан ҳаракатга келтириб кўрди. Агрегат А. Козлов синовидан муваффақиятли ўтди. Бу корхона ишчиларининг, инженер-техник ходимларининг навбатдаги катта ютуғи эди.

Завод аҳли юбилей йилида мана шундай зафар қучди. Ҳали улар олдида улкан вазифалар турибди. Мамлакатимизда кенг кўламда қурилиш ишлари олиб бориляпти, янги ирригация системалари бунёд этиляпти. Буларга кўплаб экскаваторлар керак. Бундан ташқари чет эллик дўстларимиздан ҳам Тошкент экскаватор заводига бу йил бир талай буюртмалар тушган. Уларни ҳам бажариб буюртмачилар талабини қондириш керак. Коллектив бор имкониятларни ишга солиб барча топшириқларни ортиғи билан адо этиш иштиёқида ҳаракат қиляпти.



Суратда: завод ишчилари улкан ғалаба — ўн мингинчи экскаватор тайёрлангани билан бир-бирларини қутламоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

СОВЕТ—ПОКИСТОН ДЎСТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова 23 августда Покистон парламент делегацияси шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда делегация аъзолари билан биргаликда СССР Олий Советининг депутатлари Р. Н. Нишонов, М. А. Зоидов, В. Қ. Кобулов, Э. Т. Шайхов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри С. О. Азимов, СССРнинг Покистондаги элчиси М. В. Дегтярь ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Дўстлик вазиятида ўтган зиёфат вақтида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова ва делегация бошлиғи — Покистон миллат мажлисининг раиси Абдул Жаббархон нутқ сўзладилар. (ЎзТАГ).

ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК—ПАРТИЯНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

Илгари газетамизда хабар қилинганидек, 22 августда Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум «Беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан меҳнаткашларнинг маданий дам олишини уюштириш тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Бу ҳақда область партия комитетининг секретари **Х. Р. Мусахонова** доклад қилди.

Бундан ярим аср муқаддам, деди докладчи, шонли большевиклар партияси улуғ Ленин раҳбарлигида Россия халқларини меҳнаткаш омма манфаатлари йўлида буюк революцион ўзгаришларга даъват этди. Октябрь ғоялари ғалаба қилгандан бери совет кишисининг фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш партиямиз бутун фаолиятининг энг асосий ва муҳим томони бўлиб, халқ турмуш шароитини ўстириш проблемаси, меҳнаткашларнинг маиший шароитини яхшилаш масалалари социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ҳамиша диққат-эътиборида бўлиб келди.

Ҳозирги вақтда бутун мамлакатда ишчи ва хизматчиларни икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш тадбирлари кўрилаётганлиги совет кишилари ҳақида қилинаётган яна бир катта ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Бу, совет халқининг йирик социал ва маданий ғалабасидир.

Бутун мамлакат халқлари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам шонли юбилей арафасида ҳафтасита икки кун дам оладиган бўладилар.

Янгича меҳнат жадвалидан амалда кўп нарса ютилади. Ҳафтасига ҳисоблаганда умумий иш вақти аввалгича қолса-да иш соатлари ҳафтанинг беш кунига тақсимланади ва меҳнаткашлар икки кун дам олиш имконига эга бўладилар. Иш куни қисқариши билан ишга бориш ва келишга сарфланадиган вақт умуман қисқаради, сменани топшириш ва қабул қилишда ҳам вақт тежалади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Ишчи ва хизматчиларни икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ область партия комитети ва корхона, ташкилотларни янги иш режимига ўтказиш комиссияси конкрет план ишлаб чиқдилар. Бу план область шаҳарларида 1 июлдан, Тошкент шаҳрида 1 августдан амалга оширила бошланди. Ҳозир янги иш жадвали бўйича 610 корхона ва ташкилот ёки 200 минг киши ишламоқда.

Янгича ишлашга ўтган корхона ва ташкилотларнинг тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, ишчи ва хизматчиларни беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш натижасида уларнинг меҳнат шароити яхшиланиб, иш унумдорлиги ошибгина қолмасдан, балки ишчи ва хизматчиларга яхши дам олиш, малакаларини ошириш, маълумот олиш, бола тарбияси билан шуғулланиш учун катта имкониятлар туғилади.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари янги иш режимига муваффақиятли ўтиш учун қатор тадбирларни ишлаб чиқдилар ва амалга оширмоқдалар. Умуман олганда янги режимга ўтиш уюшқоқлик билан, ишлаб чиқаришга зиён етказилмаган ҳолда бормоқда. Шу билан бирга меҳнаткашларнинг дам олишини уюштиришда қатор янгиликлар пайдо бўлмоқда.

Янгиобод шаҳар партия ташкилоти жуда катта тайёргарлик ишлари олиб борди. Икки кун дам олинадиган ҳафтага ўтилгач, меҳнаткашлар маданият уйлари, кутубхоналар, кинотеатрларга кўпроқ борадиган, спорт ишларида қатнашадиган бўлиб қолдилар. Шаҳар маданият уйида тўгараклар сони икки марта, бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг аъзолари сони йигирма процент ортди, маданий-оммавий тадбирларда кўп одам иштирок қилмоқда. Ҳозир ҳар куни шаҳар аҳолисининг 12,3 проценти кинофильм томоша қилмоқда.

Тошкент грампластинкалар заводи партия ташкилоти (партия ташкилотининг секретари ўртоқ Орлов) тажрибалари ҳам диққатга сазовор. Партия ташкилоти хўжалик раҳбарлари билан биргаликда беш кунлик иш ҳафтасига ўтишга тайёргарлик кўриш пайтида ишлаб чиқариш масаласи қатори корхона ходимларини транспорт билан таъминлаш, аёлларнинг болаларини муассасаларга жойлаштириш масалаларини ҳам ҳал қилди. Умумий овқатланиш корхоналарининг янги иш режими жорий қилинди. Маданий-оммавий тадбирлар плани ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. 11 марта лекция ўқилди, бир неча бор тематик кечалар ўтказилди. Ҳар ҳафтада ишчи ва хизматчилар Чирчиқ бўйларига, Тошкент денгизига олиб борилмоқда. Яқинда завод ходимлари Самарқандни бориб кўришди. Корхона маблағи ҳисобига Иссиққўлдаги пансионат бирмунча кенгайтирилди.

Меҳнаткашларнинг маданий дам олишини уюштиришда Чирчиқ шаҳар партия ташкилоти ҳам қатор яхши тадбирларни кўрди.

Бироқ ҳамма шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳам янги шароитда меҳнаткашларнинг дам олишини уюштириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга оширишга тўла масъулият билан қараётирлар, деб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда, яъни янги меҳнат режимига ўтиш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни бартараф эта бориш айниқса муҳим. Меҳнаткашларнинг юқори унум билан ишлашлари ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари уч ҳамма шароитларни яратиб бериш, бунинг учун бутун куч ва воситаларни сафарбар этиш зарур. Партия ташкилотлари бу соҳада тўпланган дастлабки тажрибаларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишлари, бу тажрибаларни бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларни ҳам янги иш режимига ўтказиш вақтида қўлланишлари лозим.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнаткашлар бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларига оқилона ёрдам беришни, ана шу бўш вақтдан коммунизм қурувчисининг шаклланиши манбаи сифатида фойдаланишлари керак.

Ҳали областимизда саккиз йиллик маълумотга эга бўлмаган ёшлар ҳам бор. 35 ёшгача бўлган меҳнаткашларнинг кўпчилиги олий ўқув юртлари ва техникумлар, малака ошириш курсларига жалб қилинмаган. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ маорифи органлари қўшимча дам олиш кунини билим эгаллаш, ўз устида ишлаш кунига айлантириш учун кўп иш қилишлари зарур. Вазифа шундан иборатки, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун янги имкониятлардан фойдаланиш, шу мақсадда ёшлар ўртасида эринмай тушунтир ишлари олиб бориш, ўқувчиларнинг дарсга қатнашуви ва темаларни ўзлаштиришини тўхтовсиз назорат қилиб туриш, ўқишни иш билан муваффақиятли боғлаб олиб бораётганларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантиришга эришилсин.

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтилгач, меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини тағин ҳам ошириш учун қулай шарт-шароит вужудга келади. Бунда маданий-оқартув муассасаларининг роли янада ортиб боради. Шу муносабат билан кўпчилик маданий-оқартув муассасалари ўз ишларини қайта қуриб олдилар, меҳнаткашларнинг маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун зарур тадбирларни белгилаб чиқдилар. Чирчиқдаги Химиклар маданият саройи, Олмалиқдаги Металлурглар саройи, Тошкентдаги Тўқимачилар маданият саройи сингари энг яхши муассасалар ва клублар шанба, якшанба кунлари меҳнаткашларнинг дам олишини оқилона уюштиришда намуна бўлмоқдалар. Шу кунларда ана шу маданият ўчоқларининг эшиклари эрталабдан ярим кечагача очиқ. Бу ерларда оилавий дам олиш кечалари, дўстлик учрашувлари ўтказилмоқда. Коллектив бўлиб дам олишнинг ҳамма формаларидан усталик билан фойдаланилмоқда.

Тошкент шаҳри маданият ва истироҳат боғларининг ходимлари қимматли ташаббус бошладилар. Улар ўз ишларини яқин-атрофдаги майдонлар ва хиёбонларга кўчирдилар.

Бироқ ҳали биздаги маданий-оқартув муассасаларининг ишида жиддий камчиликлар бор. Уларнинг иш мазмуни беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш туфайли янгидан туғилган эҳтиёжларга тўла жавоб бермайди. Оҳангарон маданият уйи, Тошкент образив буюмлари комбинати, Тошкент резина-техника буюмлари заводи, Тошкентдаги 3-ғишт заводлари бошқармаси ва бошқа корхоналарнинг клублари ана шундай маданият ўчоқларидир.

Айрим маданият муассасалари нобоп биноларга жойлашган. Оҳангарон, Олмалиқ, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарларининг маданият уйлари уй-жой биноларининг хоналарига жойлашган. Ўз томоша залига, саҳнасига эга эмас. Кутубхоналар ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Докладчи маданият министрлигини маданий-оқартув муассасалари тармоғини секин ривожлантираётгани учун танқид қилди.

Меҳнаткашларнинг дам олишини уюштиришда маданият ва истироҳат боғлари катта роль ўйнашлари лозим. Бироқ областдаги кўпчилик паркларда бунга етарли имконият йўқ. Улар меҳнаткашлар ҳордиқ чиқарадиган жойга айлантирилмаган.

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтилиши муносабати билан шаҳар қурувчилари олдида янги вазифалар пайдо бўлмоқда. Сир эмаски, уй-жой массивлари ва микрорайонлар қурилаётганида меҳнаткашларнинг маданий эҳтиёжлари етарли ҳисобга олинмаяпти.

300 минг кишилик аҳоли яшайдиган Чилонзор массивида норма бўйича камида саккизта кинотеатр бўлиши керак эди. Амалда эса иккита кинотеатр бор. Қолганлари лойиҳалаштирилган-у, қурилмай қолиб кетган. Чилонзорда бирорта йирик клуб ёки маданият саройи йўқ. Массивда ободонлаштириш ишлари соҳасида белгиланган тадбирлар тўла-тўкис амалга оширилмаётганлиги ҳам меҳнаткашларнинг дам олишини уюштиришда бирмунча қийинчиликлар туғдирмоқда. Бош планда спорт иншоотлари комплекси билан биргаликда дам олиш зоналари ташкил қилиш кўзда тутилганига қарамай бу иш бирорта кварталда ҳам тўла амалга ошмаган. Ҳатто 8—9 йил илгари тикланган биринчи ва иккинчи кварталларда ҳам дам олиш зоналари кўнгилдагидек ободонлаштирилмаган, спорт майдончалари ва иншоотлари қурилмаган. Планда кўзда тутилган 32 та парк ва хиёбондан биронтаси барпо этилмади.

Худди шундай камчиликлар Високовольтний, Янги Оҳангарон массивлари учун ҳам характерлидир.

Ҳар бир раҳбар, ҳар бир партия, касаба союз ва комсомол ташкилоти шу нарсани чуқур ҳис қилиши зарурки, беш кунлик иш ҳафтасига ўтилгач, ишчилар, хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг дам олиши масаласи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиб боради ва бу масала билан мунтазам шуғулланиб туриш лозим. Шу муносабат билан шаҳар ва район, корхона, колхоз, совхоз, муассасаларнинг раҳбарлари шу кеча-кундузда ва келгусида амалга ошириладиган тадбирларни ишлаб чиқишлари керак.

Район ва шаҳар партия комитетлари, ижроия комитетлари белгиланган тадбирлар қандай бажарилаётганлигини назорат қилиб боришлари, уй-жой кварталларини комплекс қуриш, маданий-маиший объектлар қурилишини тезлаштириш, дам олиш зоналари, парк, хиёбонлар, спорт майдончаларини барпо этиш масалаларини муваффақият билан ҳал қилишлари зарур.

Меҳнаткашларнинг маданий дам олишини ташкил этишда кинонинг роли беҳисоб катта. Кино хизмати даражаси афсуски, ҳозирги кун талабларига жавоб бераётгани йўқ.

Меҳнаткашларнинг бўш вақти кўпайиши билан кино тармоқларини кенгайтириш ўз-ўзидан муҳим аҳамият касб этади. Область шаҳар ва посёлкаларида янги замонавий кинотеатрлар қурилишига катта аҳамият бериш зарур. Область партия комитети ва область ижроия комитети белгилаган программага мувофиқ кинотеатрларни интенсив суратда қуриш кўзда тутилган. 1965—1966 йиллар ва 1967 йилнинг олти ойи мобайнида 6400 ўринли 20 та типовой кинотеатр қурилди. Киноустановкалар тармоғи ўсиб бормоқда. 1967—1970 йилларда 200 та янги киноустановка қурилади. Шу жумладан, давлат банкидан олинадиган қарз ҳисобига шаҳар ва посёлкаларда 19 минг 150 ўринли 48 та типовой кинотеатр, колхоз ва совхозларнинг маблағлари ҳисобига 130 киноустановка қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Кино ходимлари ўз иш методлари ва формаларини қайта кўриб чиқишлари, аҳолининг маданий дам олиши учун қулай шарт-шароит яратиб беришлари зарур. Дам олиш кунлари — шанба ва якшанбада киносеанслар сонини кўпайтириш, энг яхши фильмларни намойиш қилиш керак. Тематик кинофестиваллар ўтказиш, кинолекторийлар, томошабинлар кечаси ва конференциялари, болалар эрталикларини уюштириш мақсадга мувофиқдир. Вазифа шундан иборатки, кино меҳнаткашларни эстетик ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда муҳим восита бўлиб қолсин.

Меҳнаткашларнинг қизиқарли ва мазмунли дам олишини уюштиришга қаратилган қатор тадбирлар ичида шаҳар четкасида дам олишни ташкил этиш ҳам катта ўрин эгаллайди. Тошкент области бўлиш учун ажойиб имкониятларга эга. Тоғ этаклари, Чимён ва Бурчмуллдаги жилғалар ва ўрмонлар, Юқори Чирчиқ, Тошкент денгизи, Чорвоқ гидроузели атрофидаги хушманзара жойлар кўнгилли дам олиш учун жуда қулай.

Дам олиш уйлари, пансионатлар, туристик базалар тармоғи кейинги йилларда бирмунча кенгайди. Ҳозирги вақтда областда 5 санаторий, 6 дам олиш уйи, 4 туристик база, 64 пионер лагери бўлиб, мавсум давомида бу жойларда 94 мингдан ортиқ киши дам олади. Кўпчилик саноат корхоналари ўз маблағ ва имкониятларидан оқилона фойдаланиб, фақатгина республикамиздагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам ўз доимий дам олиш жойларини ташкил қилмоқдалар. 11 корхона Қирғизистоннинг Иссиққўли бўйида ўз дам олиш уйи ва пансионатига эга.

Бироқ кўпчилик дам олиш уйлари, пансионатлар, туристик базалар яхши ишламаяпти. Уларнинг кўпчилиги етарли моддий-техника базасига эга эмас. Меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш даражаси паст.

Докладчи дам олиш уйлари ва санаторийлар ишини ташкил этишда жиддий камчиликларга йўл қўйгани учун Ўзбекистон курортлар бошқармаси республика советининг коллегиясини танқид қилади.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳозирги мавжуд дам олиш уйлари ва пансионатлар ҳузурида ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оилалари учун икки кунлик дам олишни уюштиришлари, шаҳар атрофига қатнайдиган «Сиҳат-саломатлик поездлари»ни ташкил этишлари мақсадга мувофиқдир.

Ўз профилакторийларига эга бўлмаган корхоналарнинг раҳбарлари олдига қаттиқ талаб қўйиш керак, токи бу масала тез фурсатда ҳал бўлсин. Негаки, совет кишисининг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш—ҳар бир раҳбар ходимнинг энг юксак бурчи.

Бу йил Тошкент савдо ускуналари заводининг Иссиққўлда юз ўринли дам олиш уйи, Тошкент экскаватор заводининг Тошкент денгизи яқинидаги янги туристик базаси, Бекобод темир-бетон буюмлари заводининг Сирдарёдаги дам олиш уйи фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари 1967 йил сентябридан 1968 йил мартигача шаҳар атрофидаги пионер лагерларидан 56 таси меҳнаткашларнинг дам олиши учун мослаштирилади.

Шаҳардан ташқарида дам олиш зоналарини кенгайтиришда Чорвоқ денгизи атрофларини комплекс ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу иш амалга оширилса, Бўстонлиқнинг шимолий қисмида 50 минг кишилик дам олиш зонасини вужудга келтириш мумкин. Бундай зона схемалари «Узгоспроект» томонидан тайёрланди. 1970 йилгача 10 та дам олиш уйи, 5 та меҳмонхона-пансионат, 7 та чодирли лагерь, 25 та пионер лагери, икки санаторий ва бошқа дам олиш базаларини қуриш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Бўстонлиқнинг жанубий қисмида чанғи спорти ва туризм комплекси лойиҳаси битказилди. Бу ерда 500 ўринли туристик база, 500 ўринли меҳмонхона-пансионат, прокатга чанғи берадиган станция, осма канат йўл ва бошқа объектлар қуриш режалаштирилмоқда.

Физкультура ва спорт меҳнаткашларининг дам олишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Областимизда физкультурачи ва спортчилар сафи йилма-йил ўсиб бормоқда, уларнинг спорт маҳоратлари ошмоқда. Бироқ, жойлардаги спорт жамиятлари ва советлари яхши ишлаётганлари йўқ. Сайланма спортчиларнинг тор доирасига асосий эътиборни кучайтирган ҳолда энг муҳим вазифа — физкультура ва спортнинг оммавийлигига эришилмаяпти. Физкультура ходимларининг мавжуд спорт базаларидан самарали фойдаланишда масъулиятини ошириш талаб қилинади. Стадионлар ва спорт майдончалари меҳнаткашлар дам оладиган чинакам маданият ўчоғига айлансин.

Маълумки, Тошкент денгизи, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқдаги дам олиш зоналари, «Роҳат» кўли шаҳарлар ва ишчи посёлкаларидан анча узоқда жойлашган. Шу сабабли транспорт, савдо ва умумий овқатланиш хизматининг аниқ ва узлуксиз ишлашини талаб қилади. Айниқса, шанба ва якшанба кунлари бу масалага эътиборни кучайтириш зарур.

Докладчи область ва Тошкент шаҳар автомобиль транспорти трестларининг раҳбарларини автотранспорт ишини қайта қуриш юзасидан белгиланган тадбирларни қониқарсиз бажараётганликлари учун қаттиқ танқид қилди. Автотранспорт йўловчилар кўп бўладиган пайтларда ва тунда жуда ёмон ишламоқда.

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан шаҳар транспорти ишини тубдан қайта қуриш керак. Транспорт пассажирларни суткада 19—20 соат мобайнида ташиб турсин.

Меҳнаткашлар дам олиш жойларидаги умумий овқатланиш корхоналари ва савдо шахобчалари хизматидан кўп ҳоллардан норози бўлиб гапирадилар. Савдо ва умумий овқатланиш ходимлари буни ҳисобга олишлари, ўз ишларини янгичасига ташкил этиш тўғрисида ўйлаб кўришлари керак. Жуда кўп оилалар ҳозирча ўз уйларида тайёрланган таомларни истеъмол қиладилар. Негаки, ошхона ва кафеларда тайёрланаётган таомларнинг сифати аҳолининг ўсиб бораётган талабига жавоб бермайди. Магазинларда ярим фабрикат озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳам қониқарсиз йўлга қўйилган.

Кейинги йилларда областда жуда кўп коммунал — маиший корхоналар қурилди. Шаҳар коммунал хўжалигининг иши бирмунча яхшиланди. Маиший хизмат корхоналари ва муассасалар меҳнаткашларнинг талабини яхшироқ қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Хизмат кўрсатишнинг янги усуллари кенг жорий қилина бошланди. Бироқ аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳали ҳам қолоқ участка ҳисобланади.

Меҳнаткашларнинг янгича ишлаши, янгича дам олишини йўлга қўйиш, бу, ўз навбатида маиший хизмат кўрсатишнинг ҳам янгича усулларини кенг жорий қилишни талаб этади. 1970 йилга бориб, область бўйича аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 14 сўм 98 тийинга, Тошкент шаҳри бўйича эса 35 сўм 40 тийинга етиши керак.

Докладчи, ўз сўзини давом эттириб, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш савиясини ошириш область партия ташкилотининг доимий диққат марказида бўлади, деб айтди. Бу соҳада анчагина ишлар қилинди.

Лекин шу билан бирга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш тўғрисидаги қарори бир қатор янги ва муҳим вазифаларни қўйди. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш партия ташкилотларидан омма ўртасида олиб бориладиган ташкилий, хўжалик ва сиёсий тарбиявий ишларни кучайтиришни талаб этади.

Бундан буён ҳам меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш масаласи партия ташкилотларининг асосий диққат марказида бўлади. Ҳар бир корхона ва муассасада ишнинг бориши билан чуқур танишиш, мавжуд резервлардан фойдаланиш, аниқланган камчиликларни дарҳол тугатиш тадбирларини кўриш лозим.

Ҳозир партия ташкилотлари, барча коммунистларнинг зиммасига ғоят масъулиятли вазифа юклатилгандир.

Биз одамларга янгича иш графиги, ҳафтада икки марта дам олиш ҳақида гапириб берар эканмиз, шу билан бирга ҳар бир иш кунидан ғоятда унумли фойдаланиш, ҳар бир сменада берилган топшириқ ва планларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш зарурлигини ҳам тушунтиришимиз керак. Бунинг учун идеология ишининг турли хил формаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Омма орасида суҳбат ўтказаётганимизда, радио, телевидение орқали бериладиган мақолалар ва газета саҳифаларида эълон қилинадиган материалларда беш кунлик иш ҳафтасига ўтишнинг истиқболларини мисоллар билан тушунтиришга эришиш зарур.

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтилиши меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари фаолиятини ҳам кескин яхшилашни талаб этади. Ижроия комитетлар, депутат группалари ва доимий комиссиялар асосий эътиборни беш кунлик иш ҳафтасига ўтилиши муносабати билан ҳал қилиниши керак бўлиб қолган биринчи навбатдаги вазифаларга қаратишлари керак.

Касаба союзлари меҳнаткашларнинг дам олишини тўғри ташкил этиш масалалари билан ғоятда актив шуғулланишлари талаб этилади. Шу муносабат билан комсомол ташкилотлари олдида ҳам катта вазифалар турибди. Улар ёшлар ўртасида катта тушунтириш-тарбиявий ишларни олиб борсинлар. Ёшларнинг талаб ва эҳтиёжини чуқурроқ ўрганиш, уларда билимга, ўз малакасини оширишга, моддий бойлик яратишга бўлган истак ва муҳаббатни кучайтириш зарур.

Шундан сўнг докладчи қишлоқ меҳнаткашларининг маданий дам олишини ташкил этиш юзасидан партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида тўхталади. Бу иш, дейди у, партия комитетлари, хўжалик раҳбарларининг доимий диққат марказида бўлсин.

Оққўрғон районида меҳнаткашларнинг маданий дам олишини ташкил этиш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Кейинги йилларда район маркази анча ободонлашди: маданият ва истироҳат боғи ташкил этилди, стадион қурилди. Яқинда кўл очилди. Кўчаларга, тротуарларга асфальт ётқизилган, кўкаламзорлаштирилган. Тез кунда типовой кинотеатр, унинг ёнида эса кафе ишга туширилади.

Қишлоқ меҳнаткашларининг маданий дам олишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериш соҳасида Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Правда», Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Бўка районидаги Ильич колхозларидан ҳам кўп нарсаларни ўрганиш мумкин.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтирса бўлади. Демоқчимизки, ҳар бир районда имконият етарли. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан тўла ва унумли фойдалана билишимизда қолган.

Областимиз меҳнаткашлари Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб янги марраларни эгалламоқдалар. Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 7 ойлик план 101,9 процент бажарилди. Пландан ташқари жуда кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш программаси 104,9 процент амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам янги ютуқларни қўлга киритдилар. Давлатга ғалла сотиш мажбурияти бажарилди. Область пиллачилари ҳам планни муваффақиятли адо этдилар.

Ҳозир пахта далаларида иш қизғин бормоқда. Йиғим-терим бошланадиган кунлар ҳам узоқ эмас. Бу ишга алоҳида тайёргарлик кўриш зарур. Барча мавжуд техникани 15 октябргача давлат пахта тайёрлаш планини, 1 ноябргача эса социалистик мажбуриятни бажаришни кўзда тутиб тайёр ҳолга келтириб қўйиш зарур. Ҳозир бу соҳада ишимизнинг бориши чакки эмас. Вазифа суръатни сира бўшаштирмасдан меҳнат қилиш, Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга эришишдан иборат.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш тўғрисидаги қарорини барча совет халқлари қатори областимиз меҳнаткашлари зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар, — дейди, ўз сўзининг охирида ўртоқ Мусахонова. Бу ғамхўрлик меҳнаткашларнинг активлиги ва ижодий ташаббусини ошириб юборди. Область партия ташкилоти, — дейди докладчи, бундан буён ҳам ишчи ва хизматчиларни янги иш режимига ўтказиш тўғрисидаги қарорни изчил бажаришга ва бу муҳим социал иқтисодий тадбирдан меҳнаткашларнинг манфаати, коммунизм қурилиши манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилади.

Доклад юзасидан бошланган музокараларда биринчи бўлиб Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ **В. Окунский** сўзга чиқади. У беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишини уюштириш юзасидан шаҳар партия комитетининг шаҳар ижроия комитети ва жойлардаги бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошираётган тадбирлари ҳақида сўзлайди.

— Партия ва ҳукуматимизнинг бу янги ғамхўрлигига жавобан, — дейди у, — биз ҳам янги-янги меҳнат ғалабаларини қўлга киритиш билан жавоб беришимиз керак. Бунинг учун эса, докладчи таъкидлаб ўтганидек, меҳнаткашларнинг дам олишини ҳамма жойда тўғри ташкил қила билиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Йил бошидан буён бу соҳада анчагина ишлар қилинди. Кўпгина корхоналар ва муассасалар янги график бўйича ишламоқдалар. Дам олишнинг тўғри ташкил этилиши бу жойларда меҳнат унумдорлигининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз комитетлари ҳозирги дамларда, айниқса, ташкилотчилик билан иш олиб боришлари лозим. Жойларда оммавий-спорт ишларини ҳар қачонгидан ҳам авж олдириб юбориш пайти келди. Ҳар бир ташкилот, ҳар бир корхона беш кунлик иш ҳафтасига ўтишдан олдин ўзининг шароитини, имкониятларини пухта ўрганиб чиқиши лозим. Ана шундагина кўрилган тадбир кўнгилдагидек натижани беради.

Биз беш кунлик иш ҳафтасига ўтилиши муносабати билан транспорт хизмати ишини янада яхшилаш учун автобуслар ва бошқа транспортлар қатновини қайта кўриб чиқдик. Кадрлар-кондуктор, шоферлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Лекин очиғини айтиш керакки, транспорт хизматини йўлга қўйиш соҳасида ҳали кўп камчиликлар бор. Эрталаблари ва кечқурунлари транспорт танқислиги ҳамон сезилмоқда. Бу камчиликни бартараф қилиш учун биз зарур тадбирларни кўришимиз керак.

Даволаш ва санитария муассасаларида беш кунлик иш ҳафтасини жорий қилишда ҳам анчагина қийинчиликлар рўй бермоқда. Лекин кўплашиб туриб, бамаслаҳат иш қилинса бу қийинчиликлар енгилади. 1 июлдан бошлаб бешта даволаш муассасаси беш кунлик иш ҳафтасига ўтди.

Эндиликда коллектив бўлиб шаҳар чеккаларига экскурсияга бориш — дам олишни ташкил этиш энг муҳим вазифа бўлиб қолди. Бу соҳада Тошкент тўқимачилик комбинатининг иш тажрибасидан ўрнак олса арзийди. Жойларда маданият ва истироҳат боғларига қаровни тубдан яхшилаш, бундай маданий ўчоқлар сонини кўпайтириш лозим.

Ҳозир кўпгина корхона, ташкилот ва муассасалар янги-янги анъаналарни жорий қилмоқдалар. «Шоферлар куни», «Савдо ходимлари куни» сингари тадбирларнинг ўтказилиши дам олишни яхши ташкил этишга ёрдам бермоқда. Шаҳарнинг баъзи микрорайонларида янги-янги маданият ўчоқлари очиш пайти келди. Бир сўз билан айтганда, меҳнаткашларнинг намунали дам олишини ташкил этиш ҳар бир корхона, ҳар бир ташкилот, ҳар бир муассаса раҳбарининг диққат марказида бўлиши лозим.

Оржоникидзе райони областимизнинг энг йирик сабзавоткор районларидан бири бўлиши билан бирга, бу ерда жуда кўп саноат корхоналари, илмий-текшириш институтлари ва бошқа муассасалар ҳам бор. Район партия комитетининг биринчи секретари **Н. Қирғизбоев**нинг айтишича, 130 та ташкилотда 25 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

— Ҳозиргача, — дейди ўртоқ Н. Қирғизбоев, — бизда ядрофизикаси институти, 2-трест ва бошқа баъзи ташкилотлар беш кунлик иш ҳафтасига ўтди. Район партия комитети август ойининг охиригача ҳамма ерда беш кунлик иш ҳафтасига ўтилишини тугаллаш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширади. Шу муносабат билан биз районимизда амалга ошириладиган маданий-оммавий, сиёсий-тарбиявий ишлар кўламини кенгайтирамиз. Кутубхоналар, клубларнинг иши янги графикка асосланиб, қайта кўриб чиқилмоқда.

Районимизнинг Бўстонлиқ зонаси областимизнинг энг хушманзара жойларидандир. Ҳозир бу зонада 15 дан ортиқ дам олиш уйлари, санаторийлар ишлаб турибди. Меҳнаткашларнинг беш кунлик иш ҳафтасига ўтиши муносабати билан дам олиш уйлари фаолиятини янада кучайтириш зарур бўлиб қолди. Уларнинг имкониятидан тўла фойдаланиш керак. Лекин шуни айтиш керакки, бизда кўпгина дам олиш уйлари бир мавсум ишлайди. Дам олиш уйларини йил бўйи ишлайдиган қилиб қайта кўриб, чиқиш пайти келди.

Яна бир фикр: районимизда жуда кўп пионер лагерлари бор. Нега ана шу пионер лагерлари қошида пансионатлар ташкил этиш мумкин эмас. Ота-оналар ўз болаларини кўргани келишганида бир-икки кун ана шу пансионатларда туриб, ҳордиқ чиқариб кетсалар қандай яхши бўларди!

Дам олиш уйларига олиб борадиган автобуслар қатновини қатъий қилиб йўлга қўйиш ҳам муҳим вазифадир. Бундан буён районимизнинг хушманзара, баҳаво жойларига коллектив бўлиб чиқиб, дам олувчиларнинг сони кўпаяди. Шу муносабат билан икки-уч жойда янгидан йирик-йирик ошхона ва чойхоналар қуриш керак. Экскурсия бюролари ташкил этилса яна ҳам яхши иш бўларди.

Минбарга Янгиобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **К. М. Тимофеев** чиқади.

— Очиғини айтиш керак, — деди у,— янги график бўйича ишга ўтиш тўғрисида гап бўлганда «қандай бўларкин, бу тадбир ишлаб чиқариш планининг бажарилишига, маҳсулот сифатининг пасайишига олиб келмасмикин» деювчилар ҳам бўлган эди.

Ҳаёт, тажриба уларнинг бу гапини пучга чиқарди. Бизда деярли ҳамма корхоналар янги график бўйича ишламоқда. Ишлаб чиқариш планлари илгаригидан ортиғи билан бажарилса бажарилаяптики, камайгани йўқ. Меҳнат унумдорлиги ҳам ортди. Маҳсулот сифати ҳам кўнгилдагидек Бу шуни кўрсатадики, моддий бойлик яратувчилар ҳақида, уларнинг маданий дам олиши ҳақида қанчалик кўп ғамхўрлик қилинса, меҳнат унумдорлиги шунчалик ортиб боради.

Биз бундай ютуққа ўз-ўзидан эришмадик. Янги графикка ўтишдан олдин анкеталар тарқатилиб, савол-жавоб уюштирдик. Жуда кўп таклифлар тушди. Корхоналар ишини, дам олишни ташкил қилишни ана шу таклифлар асосида йўлга қўяётганлигимиз катта фойда келтирмоқда. Жойларда ҳаваскорлик тўгаракларининг ишлари жонлантириб юборилди. Спорт ишларининг ҳам кўлами кенгайтирилди. Лекин ҳали камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Физкультура-спорт ишларини ривожлантириш учун шаҳар мактабларини малакали ўқитувчилар билан таъминлаш керак. Жуда кўп шаҳарларда туристик базалар бор. Лекин бизда бундай база йўқ.

— Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг фаровон турмуш кечириши учун! Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **С. Тоиров** ўз сўзини КПСС Программасидан олинган ана шу гаплар билан бошлади.

Дарҳақиқат, районда кейинги пайтларда меҳнаткашларнинг маданий дам олишларини кўзда тутиб қатор тадбирлар кўрилди. Оққўрғон маркази йилдан-йилга тобора обод ва кўркам бўлаётир. Бу ердаги маданият ва истироҳат боғига кирсангиз яйраб, мириқиб дам оласиз.

— Биз, — дейди ўртоқ С. Тоиров, — область маданият бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз лозим. Ана шунда районимиздаги мавжуд клублар, маданият ўчоқлари фаолияти янада кучаяди.

Бу ерда яна бир истакни айтиб ўтмоқчиман. Ҳозир колхозларда ишнинг «тахтача» усули асосида ташкил этилиши муносабати билан пахтакорларнинг бўш вақти кўпайиб қолди. Шаҳардаги кинотеатрлар ва бошқа маданият ўчоқларига тез-тез бориб туриш учун имконият бор. Шу муносабат билан зарур тадбирлар кўрилиши керак.

«Узгоспроект»нинг бош архитектори **В. Г. Земляницин** сўз олади. У Чорвоқ дам олиш зонаси лойиҳаси ҳақида пленум қатнашчиларига тушунча беради. Чорвоқ, дейди у, келажакда меҳнаткашларнинг кўплаб дам оладиган бирдан-бир севимли жойига айланиб қолади. Бу зонада келгусида жуда кўп маданий дам олиш уйлари, санаторийлар ташкил этилади. Қисқаси 80-йилларга бориб Чорвоқ дам олиш зонасида ёз фаслида юз мингдан ортиқ, қишда эса 10—15 минг кишининг дам олиши кўзда тутилади. Ҳозир бу соҳада катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Бекобод шаҳар партия комитетининг секретари **Б. Аббосов** меҳнаткашларнинг беш кунлик иш ҳафтасига ўтиши муносабати билан уларнинг дам олишини ташкил этиш юзасидан партия комитети қандай тадбирлар кўраётганлигини батафсил гапириб берди.

«Ташсельмаш» заводининг слесари **А. И. Риндин** заводда янгича график бўйича ишга ўтишга қандай тайёргарлик бораётганлиги ҳақида сўзлаб берди.

— Партия ва ҳукуматимизнинг қилаётган ғамхўрлигига меҳнатда муносиб совғалар билан жавоб берамиз, — дейди у, — ишонамизки, заводимиз беш кунлик иш ҳафтасига ўтгач, меҳнаткашларимизнинг маданий-маиший дам олишлари учун шароит янада кўпаяди. Бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг ортишига ёрдам беради.

Область касаба союзлари совети секретари **А. В. Браилов** айтдики, янги график асосида ишга ўтилиши муносабати билан касаба союзлари олдида янги-янги вазифалар турибди. Улар жойларда ўз ишларини ҳар қачонгидан ҳам аниқ, пухта йўлга қўйишлари, меҳнаткашларнинг яхши дам олишини уюштиришда корхона раҳбарлари ва партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари лозим. Эндиликда энг яхши дам олишни уюштирганлар учун конкурс ташкил этиш вақти келди. Шаҳар ва районларда кутубхоналар, клублар ишини тубдан яхшилаш лозим. Лекин шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керак. Ер қимирлаш вақтида касаба союзларига қарашли учта йирик кутубхона биноси вайрон бўлиб кетди. Лекин бу кутубхоналар ҳалигача янги бино билан таъминланмади. Шаҳар ижроия комитетига бу ҳақда бир неча бор қилган мурожаат натижасиз қолиб келмоқда.

Касаба союзлари ўз иш фаолиятларини кундан-кунга кучайтириб, меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишларини уюштиришда етакчилик қиладилар.

Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. Абдураззоқов** нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.



Жонажон пойтахтимизни қайтадан тиклашда узоқ Украинадан келган моҳир қурувчилар катта ҳисса қўшишмоқда. Улар ишлаётган қурилиш объектларида зарбдорлар сони тобора ортиб бормоқда. Ушбу суратда «Киев-1» қурилиш трестига қарашли илғор ишчилардан (чапдан) Л. Прокопчук, В. Рачинская, М. Товстенко ва В. Головнич ўртоқларни кўриб турибсиз. И. Глауберзон фотоси.

МАДАНИЯТИМИЗ БАЙРАМИ



Сиз бу суратда Ўзбекистон маданияти декадаси қатнашчиларидан бир группасини Москвада — Максим Горький майдонида кўриб турибсиз.

В. Егоров фотоси. ТАСС—ЎзТАГ фотохроникаси.

САЛОМ, ПОЙТАХТ!

Октябрнинг мавзулари тугаши мумкинми?
— Йўқ!
Инсонликнинг орзулари тугаши мумкинми?
— Йўқ!
(Мақсуд ШАЙХЗОДА).

Утмишда қўшиғи ҳам, куйи ҳам, риёзатли меҳнати ҳам ҳасрат-надомат, оху-аврғон бўлган Ўзбек бугун улуғ пойтахт — Москвага кўнси тўла бахт-иқбол қўшиғи билан борди. Утли ғазали, дилрабо сози, шўх рақси, мазмунғор қўшиқлари билан ҳаммани ўзига қаратди. Талабчан, сершавқ пойтахт томошабинларини мафтун этаолди. Бу, шубҳасиз, улуғ Октябрь берган қўшиқ, мавзу, илҳомдир.

Улар Юнус Ражабий, Берта Давидова, Коммуна Исмоиловалар ижро этган наво, шашмақомларнинг мазмунига тушунмаган бўлиши мумкин. Лекин Ўзбек санъатқорининг жарангдор овози, мусиқий сози, эркин, сершавқ санъати мафтун этди уларни Утмишда ўчоқ бошию, қора жинчироқ, супургидан ўзга ҳамроҳи, овунчи бўлмаган Ўзбек қизининг бугун пойтахт саҳнасида соз чалиб залдагилар ҳаёлини занжирбанд этиб олиши кимни қувонтирмайди. Ўзбек филармониясининг солисти Фазилат Шукуровани нинг чангда ижро этган куйларида Ўзбек қизининг бугунги бехудуд бахти, шуурининг ифодаси бор эди. «Баҳор» қизларичи! Улар худди чаманларда очилган турфа гулларни эслатади. «Пахта», «Дўстлик», «Баҳор» рақсларидаги чуқур мазмун, гўзал, серкарашма ҳаракатлар томошабинларни гоят хушнуд этди. Балет санъатини пухта эгаллаган Г. Измайлова, Б. Қориевалар ёки уста пианиночи, концертмейстер С. Савар раҳбарлигида тузилган Ўзбек қизларининг вокал ансамбли, эстрада қўшиқчилари Л. Зокирова, Б. Зокиров, С. Раҳимов ва бошқаларнинг муваффақиятлари ҳам тақдирга арзирлидир.

50 йил мобайнида туғилиб, ўсиб, улғаётган Ўзбек санъатининг ҳусни ва камолотига жонли гувоҳ бўлдик ҳафталик кунларида, Ўзбек хонанда ва созандаларининг, балет ва классик ашула ва рақс усталарининг санъатини жуда кўп чет элликлар ҳам томоша қилдилар!

Саҳнадаги декорацияларда, концерт ижрочиларининг руҳида, ҳар бир ҳаракатида навқирон, серқуёш Ўзбекистон нафаси уфуриб турди. Сўзана, баҳор лолалари, қарнаю-сурнай, ногора садоларн аллақандай хуш табиат бахш этарди ҳар бирнмизга.

Пойтахт аҳолиси ишчи ва зиёлиларн Ўзбекистонлик пахта усталари, олимлар, шоир ва ёзувчилар ва бошқа маданият арбоблари билан ҳам учрашдилар, мулоқатда бўлдилар. Москва кўчалари, истироҳат боғлари байрам либосига бурканди. Радио ва телевизорлардан Ўзбек музикалари янграб турди. Халқ хўжалиги виставкасида айниқса ўзгача манзара кўзга ташланади. Ўзбекнинг хушбўй гуллари, ананас қовунлари, қўзивой тарвузлари, олмаю-анорларини харид қилувчилар беҳисоб. «Ўзбекфильм» ишлаб чиқарган ва Москва томошабинлари учун келтирилган «Нафосат», «Икки дил достони» ва бошқа фильмлар ҳам қизиқиб қаршн олинди.

Каттакон рус халқининг этагидан тутмасанг,
Қачон озод бўласан, эй азамат
Осиё!
Ғ. ҒУЛОМ).

Москвада бўлиб ўтган бу дўстлик анжуманида Ўзбек шеърияти ва прозасига баракали таъсир ўтказган устоз адиблар М. Горький, В. Маяковский, А. С. Пушкинларнинг номлари ҳурмат билан ёдга олинди. Ўзбек ёзувчилари уларнинг монументларига гулчамбарлар қўйдилар, таъзим этиб бош эгадилар. СССР Ёзувчилар Союзи, адабиётчилар уйида бўлиб ўтган гоят самимий суҳбатларда Ўзбек адабиётининг мутафаккири Алишер Навоий, оташин нуқташчи шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғуломларнинг номлари суҳбатнинг асосий мавзун бўлди. Ягона адабиёт, ягона мақсад учун қалам тебратаётган қалам аҳлининг муқаддас бурчи, вазифалари, ҳаёт воқеалари ҳақида сўз кетди.

Ҳамма жойда рус биродарлар бизни қучоқ очиб қаршн олдилар. Гуллар, самимий табрик сўзлари билан дилимизни хушнуд этдилар. Янги илҳом, янги куч-ғайрат билан серқуёш диёримизга қайтдик. Октябрь берган мавзуларнинг чеки йўқ. Улуғ Москва бу мавзуларга яна бир мавзу қўшди. Бу — дўстлик ва биродарликнинг барқарорлиги ҳақидаги мавзудир.

Эътибор ОХУНОВА.



Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳаммамизнинг қалбимизга яқин. У эстрада саҳнасининг устаси. Ботир Зокировнинг дилрабо қўшиқлари дилларга ором беради. Унинг овози Москвада ҳам баралла янгради.

Улуғ пойтахтимиз Москвада Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари катта муваффақият билан ўтди. Бу байрам серқуёш диёримиз бўйлаб давом этмоқда.

ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДА

ВЕЧЕРНЯЯ МОСКВА

«ВЕЧЕРНЯЯ МОСКВА»: — «Навоий юртининг янги қиёфаси»:

«Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш учун 4600 йил керак бўлади»— деб ёзган эди шу асрнинг бошида «Вестник воспитания» журнали. Ўша автор «оқ олтин» ўлкасини ҳозир кўрганда эди, ўз кўзларига ишонмасди: республикада 38 та олий ўқув юрти, 130 та ўрта махсус билим юрти, 30 га яқин илмий тадқиқот институтларини ўзига бирлаштирган Фанлар академияси бор.

Мана бу рақамга эътибор беринг: ҳозир Ўзбекистонда ҳар ўн минг кишига 172 студент тўғри келади. Америка Қўшма Штатларида эса 120 студент тўғри келади.

Улуғбек, Абу Али ибн Сино ва Навоийлар ўлкаси ҳозир йилига 25 миллион нусха китоб чиқармоқда».

советская культура

«СОВЕТСКАЯ КУЛЬТУРА» В. Добронравов — «Кувонч ва бахт ҳақида»:

«Оқ олтин» ўлкасида халқ талантларининг гуллаши учун ажойиб шароит яратиб берган Коммунистик партияга, совет тузумига миннатдорчиликни ўзбек артистлари программадаги биринчи номерда — «Салом, партия» вокал рақс сюитада (Н. Халилов музикаси, П. Мўмин ва А. Пўлат шеъри) завқ-шавқ билан ифода этдилар».

А. Хумаров — «Эстрада — бу жиддий соҳа»:

«Ўзбекистон ССР халқ артисти Б. Зокиров томоша залининг эътиборини дарҳол ўзига жалб қилади. Бунинг сири фақат унинг репертуаридагина эмас (репертуарни у ўзи учун талабчанлик билан танлайди). Талантлилиги ва ижро этишга гоят жиддий муносабатда бўлиши, саҳнадан туриб айтилаётган ва куйланаётган қўшиқнинг гоявий маъносига чуқур тушуниши В. Зокировни бошқалардан аажратиб туради ва уни даврнмизнинг энг йирик қўшиқчилари билан бир сафга қўяди».

Г. Григорьев:— «Дўстларимизнинг саҳий туҳфаси»:

«Ўзбек классик халқ ашулаларини ижро этган халқ хофизлари—мақомчилар ва ашула рақс ансамблининг рақс группаси тингловчиларни Навоий юртининг юксак қадимий маданиятн билан таништирди».

МЕҲРИМИЗ ПАЙВАНД

Санъатни ким севмайди дейсиз! Қалбдан куйланган қўшиқ-у, дилрабо куйлар, сершавқ рақс-у, шўх лапарлар—ҳамма-ҳаммаси кишига ҳузур бахш этади. Яхши куй, яхши қўшиқ кишининг ҳамроҳи деб бежиз айтишмаган.

Биз санъаткорлар Москвада ўтказилган Ўзбекистон маданияти ва санъати кунларига тайёргарлик кўрар эканмиз, ана шулар ҳақида ўйлардик. Тараддудимиз чакки бўлмади.

«Баҳор»имиз катта имтиҳон олдидан янги номерлар тайёрлади. Репертуаримизни жозибадор рақслар билан бойитдик.

Ансамблимиз Москвага биринчи марта концерт бергани бораётгани йўқ эди. Лекин, шундай бўлса ҳам ҳар сафар жонажон пойтахтга йўл олганимизда ансамблимиз хаяжонга тушади. «Москвалик томошабинларни хушнуд этаолармикинмиз» деган ўй тинчлик бермасди бизга.

Концертимиз бошланди. Дастлабки номерлар илиқ қарши олинди. Кейин яна кўп қарсаклар бўлди. Концерт залида москвалик биродарларимиз билан бирга чет эллик меҳмонлар ҳам ўтиришган экан. Уларга ҳам рақсларимиз ёқибди. Италиялик меҳмон А. Мондгорелли ансамблимиз концертидан чуқур таъсирланибди.

«Баҳор»—бу афсонавий ансамбль,— деб ёзган эди у.—Агар сизларнинг артистларингиз бизнинг Италияга бориб концерт беришганида, олдиндан айтишим мумкинки, ўзбек артистларининг ҳар бир чиқиши уч соатлик қарсаклар билан мукофотланар эди. Мен мана шундай ўз маъноси билан «Баҳор»ни тасаввур этувчи ажойиб ансамбль бизда шу вақтгача йўқлигига ачиндим. Биз сизларни Италияга боришингизни сўрардик».

Санъат чиндан ҳам қудратли куч. У кишиларни бир-бирига яқинлаштиради. Улар ўртасидаги иззат-ҳурматни оширади.

Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари қандай ўтиб кетганини билмай қолдик. Лекин, шундай бўлса ҳам кўп жойларни бориб кўришга, ишчилар ва хизматчилар билан учрашишга муваффақ бўлдик.

Қаерда бўлмайлик бизни илиқ қарши олишди. Шунда санъатга ихлос қанчалар катта эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Дарҳақиқат, улуғ доҳимиз В. И. Ленин айтганидек, санъат халқникидир. Санъат халқ билан ҳамиша бирга яшайди.

Сафаримиз биз учун катта ижодий имтиҳон бўлди. Биз москвалик санъаткорлардан кўп нарса ўргандик. Уларнинг фойдали маслаҳатларидан баҳраманд бўлдик. Бу эса ўзбек санъаткорлари илҳомига илҳом қўшди. Ҳозир «Баҳор» ансамбли ҳам янги концерт программасини тайёрлаш билан банд.

Томошабинларни дилрабо куй ва жозибали рақслар билан хушнуд этиш—бизнинг ниятимиз!

М. ТУРҒУНБОЕВА,
СССР халқ артисткаси.



Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигидаги ўзбек «Баҳор» ансамбли Москва театрлари саҳналарига баҳор келтирди.

ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ МОСКВА ЭКРАНЛАРИДА





Яқинда жонажон пойтахтимиз Москвада бўлиб ўтган ўзбек маданияти декадасида ўнга яқин кинофильмларимиз намойиш қилинди. Бу фильмлар москвалик талабчан томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. Ўзбек фильмлари республикамиз кино санъатининг йилдан-йилга туркираб яшнаётганлигидан далолат берди. Сиз суратларда (юқорида) «Улуғбек юлдузи», (ўнгда) «Олмос», (қуйида) «26-си отилмасин» кинофильмларидан кадрлар кўриб турибсиз. Бу фильмлар Москвада катта муваффақият қозонди.



ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДА

Труд

«ТРУД» Э. Семёнов — «Танишинг: Ўзбекистон»

«Қай биридан бошласам экан,— мана шу масала бошни қотиради... Ўзбекистон санъат усталарининг кеча Кремлдаги Съездлар саройида бўлган концерти ҳар қандай гўзал, қизиқарли томошадан зўр, кўзни беҳад қувонтириб, кулоққа хуш ёқади. Агар томошабин бугунги Ўзбекистон ҳақида ҳеч нарса билмай, фақат концертни кўриб ўтирибди, деб бир лаҳза фараз қилсак, шунда ҳам у гуллаётган ўлка вакиллари ўз қаршисида томоша кўрсатганлиги ҳақида қатъий тасаввур этади. Давлатимизнинг шонли 50 йиллигига гуллаб-яшнаган ҳолда келаётган ўз республикаси билан фахрланиш ҳисси, бир вақтлар қолоқ бўлган Ўзбекистоннинг ҳозирги замон маданияти чўққиларига кўтарилишига ёрдам берган қардош рус халқига чуқур миннатдорчилик концертнинг мағзини ташкил этади, унинг ҳар бир номерида таъкидланади. Мана шунинг учун ҳам концертда бирон бир номерни ажратишни, бирон бир номерни ортиқ кўришни, қай биридан бошлашни билмайсан, киши...»

ДИЁРИМИЗ БЎЙЛАБ ЯНГРАР ҚЎШИҚЛАР

Азалдан қўшиқ, дилрабо куй ижодкорлари, ҳавасмандлари бўлган, диллари завқи-шавқка тўлиб тошган Ўзбек эли бўйлаб шодлик қўшиқлари янграмоқда. Ўлкамизнинг ҳар бир қишлоғи, шаҳри ва кичик шаҳарчаларигача етиб борган талантли санъаткорларимиз, адибларимиз. Улар борган ерда мазмунли учрашувлар, ижодий мунозаралар бўлиб ўтмоқда.

Август ойининг биринчи ҳафтасида Ватанимиз пойтахтида зўр муваффақият билан ўтган ва маданиятимизнинг катта кўрик-байрамига айланган Ўзбекистон ССР маданияти ва санъатининг Москвадаги кунлари қатнашчилари ҳозир она юртимиз шаҳар ва қишлоқларида ҳисоб бермоқдалар. Санъат байрами давом этмоқда. Байрам қатнашчиларини биринчи бўлиб олтин водий — Фарғона меҳнат аҳли кутиб олди. Маданиятимиз ва санъатимиз вакилларининг пахтакорлар, чорвадорлар, боғбонлар, шонли ишчилар синфи билан бўлаётган бу учрашувлари катта тантанага айланаётир.

СССР халқ артисткаси Мукаррама Турғунбоева бошлиқ бир группа санъаткорлар областнинг Ленинград районига боришди. «Партия XX съезди» колхози аъзолари билан учрашишди. Район маданият уйида бўлган концертда талантли раққоса билан бирга А. Навоий номидаги Катта Академик театр артистлари Карим Зокиров, Жамол Низомхўжаев, Ҳалима Комилова, композиторлар Икром Акбаров, Рашид Ҳамроевлар ҳамда шоир Зоҳиджон Обидовни ҳамма қизғин кутиб олди.

Хоразм ашула ва рақс ансамбли ҳамда Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўзбек давлат филармониясининг симфоник оркестри томонидан Қува район меҳнаткашларига катта программада концерт кўрсатилди.

Эстрада артистларининг Фарғона шаҳар нефтчилари билан бўлган учрашуви мезбонларда катта таассурот қолдирди. Улар қўшиқчи Стахан Раҳимовнинг ромбаҳш ашулаларини завқ билан тингладилар.

Фарғона тўқимачилик комбинати, Марғилон ипак комбинатининг ишчи-хизматчилари ҳам ҳафталик қатнашчиларини шод-хуррамлик билан кутиб олдилар. Марғилонликлар, шунингдек, кинорежиссёр Пўлдош Аъзамов ва СССР халқ артисткаси Сора Эшонтўраева билан ҳам учрашдилар.

Шаҳарликларга «Ўзбекфильм» студияси ижодий коллективи яратган «Сайёд қўнғироғи» янги бадиий фильми ҳам кўрсатилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Автоном Республикаси пойтахти Нукус меҳнаткашлари ҳотирасида Ўзбекистон адабиёти ва санъати ҳафталиги кунлари унутилмас таассурот қолдирди. Шаҳардаги яшил эстрада театрида уюштирилган дўстлик кечаси айниқса муваффақият билан ўтди. Автоном республиканинг меҳнаткашлари, қишлоқ аҳли ҳамда маданият арбоблари вакиллари Тошкентдан келган меҳмонларни қизғин табрикладилар. Кечадан сўнг Ўзбекистон санъат усталари иштирокида катта концерт қўйиб берилди.

Республикамизнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари, композиторлари, рассомлари, кино ва театр арбоблари жойларда бўлаётган учрашувларда ижодий ҳисоб бермоқдалар, ўз режалари билан ўртоқлашмоқдалар, Улуғ Октябрнинг 50 йиллик байрамига қандай туҳфалар билан келаётганликларини кўрсатмоқдалар. Санъаткорларимизнинг учрашув ва концертлари меҳнаткашларни хушнуд этиш билан бирга уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Свердлов номли концерт залида Ленинград эстрада оркестрининг гастроллари бошланди.

Пойтахтимиз меҳмонлари совет ва чет эл қўшиқлари ҳамда куйлари асосида тузилган ранг-ба-ранг программада бир ҳафта томошалар кўрсатишади. Суратларда (пастда) О. Анисимов раҳбарлигидаги оркестр куй ижро этмоқда. (ўнгда). Эстрада солисткаси Лена Стачинская.

М. Нуриддинов фотолари.





ХИЗМАТ КЎРСАТГАН УЧУВЧИ

18 август. Соат 11. Кремлнинг Свердлов зали. Бугун бу ерда мамлакатимизнинг энг яхши граждан авиацияси учувчилари янгиланишган. СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб эшиттиради. Унда осмонни забт этувчилардан 57 учувчи «СССРда хизмат кўрсатган учувчи» ва «СССРда хизмат кўрсатган штурман» фахрий унвони билан мукофотланганлиги айтилган. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари К. Ф. Ильяшенко мукофотланганларга авиациямиз шуҳратининг олий нишони — мовий самода қуёш шуъласмага бурканган тилласимон самолётчани тақдим этади.

Ушбу суратда ҳукуматимизнинг олий мукофотн билан тақдирланганлардан бири — авиациямиз фахри, ўзбек учувчиларининг пешқадами Ғофур Ориповни кўриб турибсиз.

Коммунист учувчи Ғ. Орипов чорак аср парвоз қилди. 25 йил мобайнида у қийин ҳаво йўлларини босиб ўтди. Самолёт техникасини қунт билан ўрганди. Тез орада бу ғайрат ўз самарасини берди. Аэропорт маъмурияти унга катта ишонч билдириб, Тошкент транспорт авиацияси бўлинмасига раҳбар қилиб тайинлади. Мана кўп йилларки, Ғ. Орипов ана шу лавозимда ишлаб келмоқда. Эндиликда у раҳбарлик қилаётган бўлинма аварнясиз ишлаб топшириқларни намунали бажармоқда. Командирлик составн ичида биринчи бўлиб Ғафур акага коммунистик меҳнат зарбдори фахрий унвонн берилди. Ўз командиридан ўрнак олган бўлинма учувчилари, борт механиклари, борт радистлари, штурманларининг 80 процентдан кўпроғи коммунистик меҳнат зарбдори номини олишга муяссар бўлди.

Республикамизда донг таратган машҳур учувчилар—кема командирлари Содиқов, Иванов, Исамуҳамедов, Шомирзаев, Лешченко ўртоқларни ҳамма таниёди. Бу учувчилар Ғафур аканинг йиллар мобайнида етиштириб чиқарган шогирдларидан айримларидир. Кечагина авиаторлик касбига ишқ қўйиб, самолёт штурвалига ўтирган юзлаб ёш учувчилар эндиликда моҳир устоз Ғ. Ориповнинг ҳимматн туфайли улкан ҳаво лайнерларини бошқармоқдалар. Уларнинг ҳар бирн ўз устозларидан чексиз миннатдор бўлишмоқда.

Аэропортнинг инок коллективи ўз ҳамкасбларига ҳукуматимизнинг юксак мукофотн тақдим этилганлиги муносабати билан унн сидқидилдан табриклеб, моҳир учувчи Ғафур Ориповга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида катта муваффақиятлар тилямоқда.

Биз ҳам уларнинг истагига маслакдошмиз.

И. ЮСУПОВ.

Суратда: ўртоқ Ғ. Орипов.
Н. Муҳаммаджонов фотоси.



ЖАНГЧИ ШОИР

Шу йилнинг июнь ойида Гомель шаҳар Совети шаҳар кўчаларидан бирига Султан Жўра номини берди. Бу ерда 1943 йилда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган қаҳрамон ўзбек жангчи шоири хотираси учун эсдалик тахтаси тантаналн равишда очилди.

Ажойиб ҳамшаҳаримизнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида бир қатор мақола, очерк ва шеърлар ёзилган. «Гомельская правда» газетаси шу йил 6 июнь сонида М. Данилснконинг очерки ва қаҳрамоннинг фотосуратини босиб чиқарди. Шунингдек, Василий Витканинг шеъри ҳам ўзбек жангчи шоири хотирасига бағишланди. Белорус дўстларимиз ҳамшаҳаримиз хотирасини ҳамиша ҳурмат билан эслайдилар.

Ватанининг асл фарзанди бўлган шоир халқимизнинг ғалабаси учун жонини аямади. 1943 йил 14 ноябрида Султон Жўра Гомель области Речицкий районининг Боршчевка қишлоғи учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. 3-гвардиячи отлиқ дивизиянинг мард пулеметчиси оддий солдат Султон Жўра 2-гвардиячи отлиқ корпус командирининг буйруғи билан 1943 йил 24 декабрда немис-фашист босқинчиларига қарши қураш фронтида қўмондонликнинг жанговар топшириқларини намунали бажарганлиги ва бунда маҳорат ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун II даража Ватан уруши ордени билан тақдирланди.

Юксак давлат мукофоти қаҳрамоннинг рафиқасига топширилган.

Урушдан сўнгги йилларда Султон Жўра ҳоким областдаги Лоевский районининг Козероги қишлоғидаги қардошлар мозорига кўчирнб келинди. Белорус ерини озод қилишда жон фидо қилган ўзбек жангчи шоирининг хотирасини ҳурмат қилиб Козероги қишлоғи аҳолиси унинг қабри устига хотира тахтаси ўрнатди.

1967 йил 24 июнда хотира тахтасини тантанали равишда очиш маросими бўлди. Қаҳрамоннинг хотирасини эслаш ва унинг қабрига гулчамбар қўйиш учун Ўзбекистон ёзувчилар союзидан Адҳам Раҳмат вакил бўлиб келди. Белорус ёзувчилари шоир Острейко (Максим Танк)-ни вакил қилиб юбордилар. Козероги қишлоғи ва шу яқин атрофдаги шаҳар, қишлоқлардан келган кўплаб кишилар тантанали мотам митингининг гувоҳи бўлдилар. Митингни Козероги қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси А. С. Кравцов очди. Митингда Адҳам Раҳмат, Острейко, Савишников, Ермаков ўртоқлар ҳамда ўқувчи ёшлар вакиллари сўзладилар.

Козероги шаҳар мактаб ўқувчилари қуёшли Ўзбекистон қаҳрамонининг қабрини гулзорга айлантирганлар. Қаҳрамоннинг хотирасини ўз қалбларида ҳамиша пок сақлаб келмоқдалар.

Ўйлаймизки, Ўзбекистоннинг мактаблари ва муассасалари, завод ва фабрикалари, колхоз ва совхозларида ҳам жанговар шуҳрат хоналари ва музейлари ташкил қилиниб, уларда Султон Жўра ва унга ўхшаш бошқа кўпгина номаълум қаҳрамонларимизнинг мардлиги тарихи ўз ифодасини топади. Бу ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ёрдам беради. Мактаблардаги изтопар ёшлар Султон Жўранинг қаҳрамонлиги ва мардона ўлими тафсилотларини ўрганишлари керак.

С. ОХУНЖОНОВ.
Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссарининг ўринбосари.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ

Бугун мактаб ўқитувчиларининг август кенгашлари бошланди. Областимиз халқ маорифи ходимлари ҳам бу традицион йиғилишга ҳар томонлама пухта ҳозирлик билан келдилар. Айниқса Бекобод, Калинин, Оққўрғон ва бошқа районларда кенгашга катта тараддуд кўрилди. Мактаб педагог коллективлари турли докладлар тайёрлашди.

Маълумки, 1967—1968 ўқув йилидан мактабларда бир қатор фанлар янги программалар асосида ўқитила бошланади. Ўқитувчиларнинг янги ўқув планлари ва программалари билан қуроллантириш муҳим вазифадир. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар август кенгашларида бу масалага алоҳида аҳамият берилади.

Йиғилишларда ўтган ўқув йилига якун ясалади. Халқ маорифи ходимлари олдида турган галдаги вазифалар белгилаб олинади.

Ўқитувчиларнинг август кенгашлари ялпи мажлислари кун тартиби ҳам қизиқарлидир. «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўрта умумий таълим мактаблари ишини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори ва шу асосда халқ маорифи ходимларининг вазифалари» юзасидан докладлар тингланади.

Мактабларда ўқув-тарбия ишларини уюштириш йўллари бўйича ҳам методик докладлар ҳозирланди. Ўқитувчилар секцияларга бўлиниб, ўқув-тарбия ишларини яхшилаш юзасидан ўзаро фикрлашиб олишади.

ФУТБОЛ

ЎН ИККИНЧИ ДУРАНГ

«Пахтакор» футболчилари ўтган йили бўлган мамлакат биринчилиги ўйинларининг қоқ ярмини — 18 тасини дуранг билан якунлаб, рекорд қўйган эдилар. Бу мавсумда ҳамшаҳарларимиз ана шу рекордни ҳам орқада қолдирадиганга ўхшайдилар. Мана ҳозир чемпионатнинг 22 учрашувидан 12 тасини дуранг қилиб қўйдилар. Сўнгги бир очкони улар ўтган чоршанба куни «Шахтёр» командаси билан Тошкентда бўлган учрашувда қўлга киритдилар. Ҳисоб — 1:1.

Бошқа учрашувларнинг натижалари қуйидагича: «Нефтяник» — «Заря» —3:1, «Торпедо» (Москва) — «Зенит» — 1:0; «Крылья Советов» — «Спартак» — 1:2; «Черноморец» — «Динамо» (Тбилиси) — 2:0; «Динамо» (Киев) — «Торпедо» (Кутаиси) — 2:0; «Қайрат» — СКА — 3:2; Бир қун аввал бўлган ЦСКА—«Динамо» (Москва) учрашуви 0:0 ҳисобида тугаган эди. Ҳозир турнир жадвалида қуйидагича вазият вужудга келди.

Командалар	Ў.	Т.	О.
«Динамо» М.	22	38—11	33
«Динамо» К.	22	27—9	31
«Спартак»	22	29—17	29
«Динамо» Тб.	22	30—16	28
«Шахтёр»	23	26—26	26
«Нефтяник»	22	37—23	25
«Торпедо» М.	22	26—26	24
«Динамо» Мн.	21	29—21	23
«Кр. Советов»	21	13—10	22
СКА Р.	22	22—27	22
ЦСКА	21	18—22	19
«Арарат»	21	18—23	19
«Пахтакор»	22	20—24	18
«Заря»	21	15—19	18
«Қайрат»	23	18—33	18
«Торпедо» Кт.	22	19—31	16
«Черноморец»	22	15—29	16
«Локомотив»	21	15—24	14
«Зенит»	22	14—39	13

Реклама ВА Ғолонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — Эшиттиришлар программаси. 18.00 — Телеэнгилликлар. 18.20 — Инсон ва қонун. 19.00 — Оперетта тарихидан. Ференц Легар (еттинчи эшиттириш). 20.00 — Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.05 — Телеэнгилликлар. 20.25 — Ёшлик табассуми. Концерт. 20.55 — Ўзбек баргини сифатли тўқдириш (суҳбатли эшиттириш). 21.05 — Телевизион театр. Ж. Шарипов. Хоразм (иккинчи қисми).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — Эшиттиришлар программаси. 18.00 — Тошмесарлар (телефильм). 18.15 — Телеэнгилликлар. 18.35 — Узоқ юлдузлар нури (иккинчи серия).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 — Эшиттиришлар программаси. 19.50 Кўзгу ва маймун (болалар учун, телевизион бадиий фильм). 20.20 — Москвада Эстония ССР ҳафталиги. Талант шаҳридан олиб кўрсатилади. 20.40 — Фаннинг революцион марши. 21.00 — Телеэнгилликлар. 21.20 — Телевизион бадиий фильм. 22.10 — Янгиликлар эстафетаси. 23.00 — Москвада Эстония ССР ҳафталиги. Миллий байрамнинг очилиши. ВДНХ дан олиб кўрсатилади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ОЛМАОТА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.30 — Эшиттиришлар программаси. 19.35 — Ўзбек совет поэзиясининг телевизион антологияси. Ҳабибий. 19.55 — Қурилиш индустрияси.

Рус тилида: 20.10 — Кичик эстрада концерти. 20.40 Б. Лавренев. Емирилиш (фильм спектакль).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/VIII да Ёшликда берган кўнгил, 26/VIII да Катта концерт.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ёввойи асал — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечкурун). НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11.40, кундуз 4, кеч 8.20 ва 10 да).

Византиялик савдогар хазинаси — «ДРУЖБА», СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечкурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кеч 8.30 ва 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Византиялик савдогар хазинаси — «ХИВА».

Чўчқа боқар қиз ва чўпон — «РАКЕТА».

Ганга ва Жамна — НАВОИЙ номли.

Яна барҳаёт — ТЕЛЬМАН номли.

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

Республика конкурсига қатнашувчилар ижросида 25, 26 августда

КАТТА АСКИЯ ВА КОНЦЕРТ КЕЧАЛАРИ УТКАЗИЛАДИ

Кеч соат 8.30 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Ўрта Чирчиқ район 53-сон ўрта мактаб ўқитувчилар коллективи, партия ва касаба союз ташкилоти ўқитувчи У. Кенжаевга отаси

Кенжабой МУМИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдирадилар.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ХАНОЙ СЕРГАК

ХАНОЙ, 23 август. (ТАСС). Америка авиацияси Ханойга сурункасига икки кун ҳужум қилганидан сўнг бу ер ҳозир нисбатан осойишта бўлиб турибди. Америка самолётларининг шаҳар марказига 40—50 километр нарида эрталабдан бери изғиб юрганлиги тўғрисидаги маълумотлар қузатув марказларидан радио орқали хабар қилиниб турибди. Бугун пойтахт ҳаво ҳужумидан мудофаа штаби бир неча марта ҳаво тревогаси эълон қилди. Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахти сергак бўлиб, жанговар тайёр ҳолда турибди.

ЖОСУС САМОЛЁТ ҚЎЛГА ТУШИРИЛДИ

ЖАЗОИР 23, август. (ТАСС). Жазоир радиосининг хабар беришича, Жазоир хавфсизлик хизмати Хасси-Массауд аэродромида «Саҳрои Кабирнинг Жазоирга тегишли қисмида) бир самолётни қўлга туширди. Маълум бўлишича, бу самолёт Жазоир жанубидаги объектларни разведка қилиш мақсадида учиб юрган экан. Самолётга Америкаиинг белгилари қўйилган бўлиб, швейцарияликлардан иборат экипаж уни бошқариб юрган.

Хавфсизлик хизмати самолёт ичидан топган ускуналар ва ҳужжатлар экипажнинг стратегия объектларини фотосуратга олганлигидан далолат беради.

Жазоир республикасининг юстиция органлари экипажни давлат хавфсизлигига суиқасд қилишда айблаб, уни камоққа олиш тўғрисида мандат берди.

Франс Пресс агентлигининг хабарига кўра, бу самолёт ўз моторида нуқсон рўй берганлиги сабабли Хасси-Массауд аэродромига мажбуран қўнган.

ХАНОЙ ОСМОНИДАН УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, 23 август. (ТАСС). Бугун тушдан кейин Америка самолётлари Демократик Вьетнам Республикасининг пойтахтига яна ҳужум қилдилар. Ханой радиосининг хабар беришича, ҳужум вақтида Америкаиинг уч самолёти уриб туширилди.

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРДА

БОЛГАРИЯ

СОФИЯ. Бу ерда «Совет давлатининг 50 йиллиги фотоҳужжатларда» деган виставка очилди. Пойтахтдаги энг йирик виставка залларидан бирида томошабинларни коммунизм қурилишида совет кишилари эришган муваффақиятлар билан таништирувчи суратлар намойиш қилинмоқда. Виставкани очиш маросимида таниқли жамоат ва маданият арбоблари, оммавий-сиёсий ташкилотларнинг, ижодий союзларнинг вакиллари, шунингдек Болгариядаги совет элчихонасининг ҳамда дипломатия ваколатхоналарининг ходимлари ҳозир бўлдилар.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

ПРАГА. Словакиянинг Кралов шаҳрида қишлоқ ёшлари клубларининг икки кунлик фестивали энг яхши ижрочиларнинг катта концерти билан тугади. Қўшиқ айтиш, рақс, музика санъати ва спорт соҳасида ёшларнинг 200 клуби намояндалари мусобақалашди. Қишлоқларда ёшлар клублари фаолиятининг тажрибаси тўғрисида, уларнинг маданий ва спорт ишларини кенгайтириш ҳақида семинар ўтказилди.

ВЕНГРИЯ

БУДАПЕШТ. Венгрия бадиий фонд нашриёти Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишлаб таниқли венгер рассоми Шандор Экнинг чизган расмлари репродукциясини кўп нусхада нашр этди. Бу расмлардан бирида Венгрия Коммунистик партиясининг асосчиси Бела Кун 1919 йилда митингда нутқ сўзлаб турганн тасвирланган. Иккинчи бир расмда В. И. Ленининг Венгрия коммунистлари раҳбарларидан бири Тибор Самуэли билан 1919 йилда учрашган пайти кўрсатилган.

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТУРКИЯДА БЎЛИШИ

АНҚАРА, 23 август. (ТАСС). Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. К. Зиёдуллаев бошчилигидаги республика ҳукумат делегацияси бугун Измирдан Анқарага келди.

21 август эрталаб делегация Эгей университетига борди ва университет ректори вазифасини бажарувчи Козим Байроктор томонидан қабул қилинди. У Ўзбекистонлик меҳмонларга университет тўғрисида ва бу ердаги ўқитиш системаси тўғрисида батафсил гапириб берди.

Суҳбатдан кейин делегация аъзолари университетни кўздан кечирдилар. Кечроқ делегация аъзоларини Измир мэри Усмон Кибор ва Измир халқаро ярмаркасининг бош директори Аҳмад Денмез қабул қилди.

Измир халқаро ярмаркасининг бош директори Аҳмад Денмез делегация аъзолари билан суҳбат вақтида Совет Иттифоқи павильони, жумладан мазкур павильондаги Ўзбекистон бўлимини тамошабинлар зўр қизиқиш билан кўраётганлигини айтди.

Делегация аъзолари Измир мэри Усмон Киборга ва ярмаркаиинг бош директори Аҳмад Денмезга эсдалик совғалари топширдилар.

АФРИКА МИЛЛИЙ КОНГРЕССИНИНГ БАЁНОТИ

ДОРУССАЛОМ. Жанубий Африка Республикасида апартеид ва иркчилик режимига қарши курашувчи партия—Африка миллий конгресси бу ерда баёнот эълон қилди. «Африка миллий конгресси, дейилади баёнотда, Америка негрларининг ўз социал ҳуқуқлари учун олиб бораётган адолатли курашини батамом қўллаб-қувватлайди». Америка негрларининг кураши, дейилади сўнгра баёнотда, Жанубий Африкадаги оқ танли иркчиларнинг юрагига гулғула солмоқда, чунки улар одамларнинг ўз инсоний ҳуқуқлари учун адолатли кураши енгилмас кураш эканлигини яхши биладилар.

Африка миллий конгресси АҚШ президенти Жонсон билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Танга Мурожаат қилиб, адолат тантана қилмоғи учун лозим бўлган ҳамма чораларни кўришни талаб қилди.

НИГЕРИЯДА АҲВОЛ

ЛАГОС, 23 август. (ТАСС). Шарқий Нигерия қўшинлари Оре шаҳридан суриб чиқарилди ва Ўрта Ғарбий штатнинг (Нигерия) асосий шаҳри—Бенин томон чекинмоқда. Бугун эрталаб Лагос радиоси ана шу ҳақда маълум қилди. Лагос радиосининг хабарига кўра, Оре шаҳри районида жанг қилаётган федерал қўшинларга мадад қисмлари юборилди.

Айни вақтда, бу ерда хабар беришларича, федерал қўшинлар ўзини мустақил Биафра республикаси деб эълон қилган Шарқий Нигерия пойтахти Энугу шаҳрига ҳужум қилишига тайёргарлик кўрмоқда. Шанба куни шиддатли жанглар натижасида федерал қўшинлар томонидан ишғол қилинган Эха Амуфу шаҳри районида федерал армия қисмлари қайтадан группаларга бўлинмоқда.


Миллиардлаб доллар маблағ ажратилмоқда

ВАШИНГТОН, 23 август. (ТАСС). Бугун Америка сенати яна АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси тарафдорлари билан урушга қарши кишилар ўртасидаги кучли мунозаралар майдонига айланди. АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари штабининг бошлиги генерал Макконнелл сенатнинг ҳарбий тайёрлик масалалари билан шуғулланувчи комиссиясининг мажлисида сўзга чиқиб, Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикаси территорияларини бомбардимон қилишни янада кучайтираверади, деди. Шунинг учун комиссия аъзолари Пентагоннинг ВДРга қарши ҳаво урушини кенгайтириш планларини маъқуладилар.

Айни вақтда сенат залида Пентагоннинг 1967—68 молия йили учун бюджети муҳокама қилинди. 70,2 миллиард доллардан иборат мазкур бюджетнинг анчагина қисми Вьетнамда разил уруш олиб бориш учун сарфланади. Демократ сенатор Морзе мудофаа министрлиги бюджетини қисқартириш таклифини илгари сурди. Сенатнинг ташқи ишлар комиссияси раиси Фулбрайт, сенаторлардан Жозеф Кларк, Стефан Янг ва Эрнест Гронинг Морзе таклифини қўллаб-қувватладилар.

Бироқ сенат кўпчилик овоз билан Морзе таклифини рад этди.

Морзе яқин орада ҳукумат 1964 йилги машъум «Тонкин резолюцияси»ни бекор қилишга қаратилган қонун лойиҳасини илгари суради, деб огоҳлантирди. Ҳукумат ана шу резолюция асосида Вьетнамдаги урушни кучайтирмоқда. Морзе таъкидлаб айтдики, ҳукумат Шарқи Жанубий Осиёда уруш ҳаракатлари олиб бориш ҳуқуқига эга эмас, чунки конгресс уруш эълон қилмаган. АҚШнинг Вьетнамдаги ҳаракатлари, деди сенатор, «ахлоққа зид бўлган конституциядан ҳеч қачон оқлана олмайди». Лекин шу нарса кўриниб турибдики, деб қўшимча қилди Морзе, ахлоқ — Америка ташқи сиёсати учун эскириб келган тушунчадир.



Чехословакиянинг Мелник шаҳри яқинида Лаби ва Влтава дарёлари туташган жойда янги Влтава ирригация иншооти ишга туширилди. Беш минг гектардан ортиқ хосилдор ерлар иншоотга ўрнатилган тўртта насос станциялари ёрдамида суғорилади. Суратда: насос станцияларидан бири.

ЧТК—ТАСС фотоси.

МАВРИКИЙ ОРОЛИ МУСТАҚИЛЛИК БЕРИЛИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

НАЙРОБИ, 23 август. (ТАСС) Англиянинг Ҳинд океанидаги мустамлакаси — Маврикий оролининг ҳукумати энг қисқа вақт ичида тўла мустақиллик берилишини талаб қилади, деди бош министр Сивусагар Рамгулам.

Кеча Порт-Луида қонун чиқарувчи мажлис йиғилишида сўзга чиққан бош министр мустақиллик эълон қилиш масаласи юзасидан тегишли резолюция лойиҳаси тақдим этди.

Редактор ўринбосари Т. РАСУЛЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана областного Совета депутатов трудящихся.

Биз нинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212. Редактор ўринбосарлари — 835885 831232. Масъул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 83786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан, маиатаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050 хатлар ва оммавий ишлар бўлими 834048, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, эълонлар бўлими — 838142. Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01166. Индекс 64970 А. 1730.